



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 27-oktabr, payshanba,
126 (23.691)-son

**КУН
ҲИҚМАТИ**

Шухратпараст кимса
Кўёш билан Ой ҳам
мен учун чиқяпти, деб
уйлайди. Улардан
ҳамма баҳра
олаётганини
тушунгиси
келмайди

Zarafshon



www.zarnews.uz



www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



www.twitter.com/zarnews_uz



Ўзбекистон-Россия таълим форуми

Кеча Самарқандда Ўзбекистон-Россия III таълим форуми бошланди. 26-27 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган форумда икки мамлакатдан 200 дан ортик олий таълим муассасаси раҳбарлари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, вазирлик ва идоралар масъуллари иштирок этмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Россия ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик кўлами кенгайиб бормоқда. Биргина 2021 йилда мамлакатимизда Россиянинг 4 та нуфузли олий таълим муассасаси филиали очилди.

Икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро академик алмашинув йўлга қўйилиб, профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириши, талабаларнинг турли грант лойиҳаларда қатнашиши мунтазамлик касб этмоқда.

Ўтган ўқув йилидан Россия университетлари билан таълимнинг кўплаб йўналишлари бўйича қўшма дастурлар тузилган. Булар тиббиёт соҳасида дорихона, стоматология, педиатрия, шунингдек, муҳандислик-техник мутахассисликлар, иқтисодиёт ва молия йўналишларидир.

Олий таълимдаги ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари муҳим ўрин эгаллайди. 2021-2022 ўқув йилида Россия Фе-

дерацияси олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларига Ўзбекистондан абитуриентларни қабул қилиш бўйича умумий квота 4530 тани ташкил этди. Жумладан, бакалаврият йўналишлари бўйича 3937, магистратура мутахассисликлари бўйича 593 ўрин ажратилган.

Ушбу форум доирасида икки мамлакат таълим ташкилотлари, етакчи компаниялари ўртасида фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш, шунингдек, муҳандислик технологияси, энергетика, кимё sanoати соҳаларида кадрлар тайёрлаш, малака ошириш, илмий ва инновацион фаолиятдаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказилди.

Анжуман ялпи мажлисида форум иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг табригини Президент маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов, Россия Федерацияси

Президенти Владимир Путин табригини Президентнинг хорижий давлатлар билан минтақаларо ва маданий алоқалар бўйича бошқармаси бошлиғи Игорь Маслов ўқиб эшиттирди.

Форумнинг дастлабки иши мамлакатимиз олий ўқув юртлири билан Россия ишлаб чиқариш секторлари ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш доирасидаги музокараларга бағишланди. Иштирокчилар шубаларга бўлиниган ҳолда ўзаро фикр алмашди.

Россия-Ўзбекистон таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг янги йўналишлари - муҳандислик кадрларини тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимини яратишда Россия ва Ўзбекистон таълим, мактабгача ва мактаб таълими тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион соҳадаги ҳамкорлик истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман якунида 100 га яқин ҳамкорлик шартномалари имзоланиши кутилмоқда. Уларнинг аксарияти Россияда ривожланган технологик ишлаб чиқариш соҳалари таълим тизимини мамлакатимиз олий таълим муассасаларида татбиқ этишга қаратилган.

Эл тинчлигини ўйлаганлар хизмати эътироф этилди

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Самарқандда ҳам Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносиб нишонланди. Вилоят Ёшлар марказида бўлиб ўтган тантанали маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ички ишлар органлари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов соҳа вакилларининг жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги хизматларини бутун элимиз яхши билиши ва юксак кадрлаштини таъкидлади. Иштирокчиларни Ички ишлар идоралари ходимлари куни билан табрикланди.

Сана муносабати билан ўз хизмат вазифаларига сидқидилдан ёндашиб, жиноятчиликка қарши курашиши ва унинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш билан бир қаторда вилоятимиз ҳудудида ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиб келаётган 50 нафар ходим вилоят ҳокимлигининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланди.

Қилган меҳнатим бу даражада эътироф этилишини кутмагандим, - дейди Самарқанд шаҳри бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлашти-



риш бошқармаси 5-ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими профилактика катта инспектори Элдор Ҳасанов. - Бу, табиийки, зиммамдаги масъулиятни янада ошириб, Ватанимга садоқат билан хизмат қилишимга туртки бўлди.

Маросимда давлатимиз раҳбарининг 24 октябрда қабул қилинган фармони

га кўра "Шухрат" медали билан тақдирланган вилоят ИИБ ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили Фозил Эгамбердиевга вилоят ҳокимлигининг совғаси топширилди. Шунингдек, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган турли танлов ва мусобақалар ғолиблари пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Очиқ, аммо аччиқ гап Қўшрабда вакиллик институти қачон "уйғонади"?

Маҳаллий вакиллик органлари халқ билан бевосита мулоқот қилувчи, жойлардаги долзарб масалаларнинг ечимини топишда назорат фаолиятини амалга оширувчи, асосийси, халқ ва давлат ўртасида мустақам кўприк вазифасини бажарувчи муҳим орган ҳисобланади.

Чунки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар маҳаллий вакиллик органи сифатида кўйи бўғиндаги муаммоларни бевосита аниқлаш, таҳлил қилиш ва ҳудуддаги мас-

жуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларни бартараф этиш бўйича мақбул тақлифларни бериш имкониятига эга.

Сўнги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар мустақамланмоқда. Ҳўш, унинг самараси қандай бўлмоқда? Жойларда қўрилган натижаларга эришилганми?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида халқ депутатлари Қўшработ тумани Кенгаши фаолияти билан танидик. (Давоми 2-бетда.)



Иситиш мавсуми бошланди

Штаблар туну кун ишлаши керак

Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов вилоят ҳудудида ижтимоий соҳа объектлари ҳамда тураржой биноларини иситиш мавсуми 2022 йилнинг 24 октябрдан бошланиши тўғрисида фармойиш қабул қилди.

Фармойишда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вилоят ижтимоий соҳа ташкилотлари ва коммунал соҳа корхоналарида 2022 йилнинг 24 октябрдан бошлаб кечаю кундуз ишловчи штабларни ташкил қилиш вазифаси белгиланди. Коммунал соҳа корхоналари ва

маҳаллий ҳокимликларга ижтимоий соҳа объектларига ва аҳоли яшаш уй-жойларига, "Иссиқлик манбаи" давлат унитар корхонаси тизимидаги иситиш қозонхоналарига узлуксиз ҳамда бир меъёрда табиий газ, электр энергияси қуввати етказиб бериш, табиий газ етиб бормайдиган аҳоли пунктларини суюлтирилган газ билан таъминлаш вазифалари юклатилди.

2022 йил 1 ноябрга қадар ижтимоий соҳа муассасаларига, 1 декабрга қадар вилоят аҳолисига ажратилган кўмир маҳсулотларини тўлиқ етказиб бериш белгиланди.

Диёра Келдиёрова

"Катта дубулға"

турнирида

кумуш

медални

қўлга

киритди



Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Дабби шаҳрида дзюдо бўйича "Катта дубулға" турнирида 65 та давлатнинг 400 нафардан зиёд спортчилари учун давомда "Париж-2024" Олимпиада уйинлари рейтинг очколари учун кураш олиб борди.

Муросасиз кечган беллашувларда мамлакатимиз терма жамоасининг 4 нафар ўғил ва 5 нафар хотин-қиз дзюдочилари медаллар учун беллашди.

Кувонарлиси, илк кунги беллашувдаёқ самарқандлик дзюдочи Диёра Келдиёрова 52 килограмм вазн тоифасида кумуш медалга сазовор бўлди. У муросасиз кечган финал баҳсида французиялик Астрид Гнетого қарши курашди ва "Катта дубулға" турниридаги тўртинчи кумуш медални қўлга киритди.

Ушбу муваффақият Диёрага жаҳон рейтингда 700, "Париж-2024" Олимпиадаси учун эса 350 очкони тақдим этди.

Интернат тарбияланувчиларига

эшитиш мосламалари топширилди

Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган (кар ва заиф эшитувчи) болалар учун ихтисослаштирилган 61-мактаб-интернати тарбияланувчиларига "Замин" халқаро жамоат фонди ва Республика тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан "Мен эшитишни хоҳлайман" лойиҳаси доирасида эшитиш аппаратлари берилди.

Муассасамизда алоҳида таълимга эҳтиёжи бор 373 нафар бола тарбияланади, - дейди мактаб-интернат директори Гулнора Иргашева. - Биноларимиз 2016-2017 йилларда мукамал таъмирланиб, буғунги кун талабларига мос шароит яратилди. 2016 йилдан муассасамизда инклюзив таълим бериш йўлга қўйилди. Ўтган давр мобайнида ушбу йўналишдаги таълим-тарбия самарасида 26 нафар ўқувчимиз умумтаълим мактабларига ўтказилди. Бугун берилган замонавий эшитиш мосламалари тарби-



яланувчиларимизнинг таълим жараёнини янада яхши ўзлаштиришига ёрдам беради.

"Замин" халқаро жамоат фонди ва тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги масъуллари тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан тегишли тартибда шартнома тузиб, бола-

жонларни тўлиқ текширувдан ўтказди. Уларнинг эшитиш даражасини инобатга олган ҳолда мосламаларни топширди.

Шунингдек, бундай эшитиш мосламалари мактаб-интернатни битирган 50 нафар йигит-қизга ҳам бериладиган бўлди.

Ситора РУСТАМОВА.

Обуна - 2023

"Зарафшон" ва "Самарқандский вестник"

газеталарига 2023 йил учун

обуна бўлинг

Биз:

● Самарқанд ҳаётига оид муҳим хабар ва янгиликларни газета ҳамда интернетдаги саҳифаларимиз орқали биринчилардан бўлиб ёритамиз;

● маълумотларни биринчи манбадан олиб, етказамиз;

● ҳолис таҳлил ва танқид қиламиз;

● энг муҳим, фойдали маълумотларни сизга илинамиз.

Газеталарга обунани тахририятнинг ўзидан ҳам расмийлаштириш мумкин!

Садоқатли муштарийларимизнинг талаб ва таклифларини инобатга олиб, ЎТГАН ЙИЛГИ НАРХДА қолдирдик

"Зарафшон" газетаси (ҳафтада уч марта) обуна нархи:

● 640 минг сўм (якка тартибда тахририятдан олиб кетиш, Самарқанд шаҳридаги бошқарма, муассаса, йирик корхона ва ташкилотларга етказиб бериш шартли билан);

● 768 минг сўм (матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш шартли билан).

"Самарқандский вестник" газетаси (ҳафтада икки марта) обуна нархи:

● 468 минг сўм (тахририятдан олиб кетиш);

● 561 минг 600 сўм (матбуот тарқатувчилар орқали).

Энг кўп обуна уюштирган ташкилотларга қимматбаҳо совғалар бор!



Кўшрабда вакиллик институтини қачон "уйғонади"?

(Давоми. Боши 1-бетда) ОДОБ УРГАТУВЧИ БЕПАРВО БЎЛСА

Аслида Кенгаш фаолиятини жонлантириш, депутатларнинг белгиланган талаб ва қишлоқларга рия қилдирилган таъминлашда Регламент ва депутатлик одоби масалалари доимий комиссиясининг алоҳида ўрни бор. Бироқ Кенгаш котибиятидаги комиссия хужжатлар йиғма жилдида сақланаётган ҳужжатлар уларнинг ўзига кўмак зарурмасмикан, деган саволни уйғотади. Негаки, биринчи ярим йиллик учун бор-йўғи 5 банддан иборат иш режа тузилган. Қайсидир йилнинг ёки мутасадди томонидан тасдиқланмаган иш режада белгиланган вазибаларнинг фақат 2 таси бажарилган. Афсуски, улар ҳам тўлиқ ижро этилмаган. Бажарилмаган вазибалар ҳам аслида оддий масалалар эмас.

Масалан, мавжуд ваколатлардан келиб чиқиб, халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари томонидан 1-chorak давмида амалга оширилган ишлар ҳисоботини эшитиш режалаштирилган. Амалда эса нима учундир бу масала катта масъулиятга эга бўлган доимий комиссия томонидан кўриб чиқилмаган.

Авалло, депутатларнинг ўзи Кенгаш сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини рўёбга қариувчи орган эканлигини теран аңглаб олишлари зарур. Бу сессиялар орқали кўнчиликнинг ишончини қозониб, вакиллик органига сайланганларнинг овоз бериши орқали амалга оширилишини тушунишлари лозим.

Иш режамиздаги бешта масаладан учта эмас, икkitаси бажарилмаган, - дейди Регламент ва депутатлик одоби масалалари доимий комиссияси раиси Қуроқбой Синдоров. - Чунки июндами ёки июлдами йиғилиш ўтказгандик. Лекин йиғилиш баёнини рост, "папка"га тикмаганимиз.

СЕССИЯ КЎЛ КЎТАРИБ ТУШИРАДИГАН ЙИҒИНИМИ?

Халқ депутатлари Кўшработ тумани Кенгашининг фаолияти билан танишар эканмик, бу савол ҳамон долзарб эканлигига ғувоҳ бўлдик. Вахоланки, конституцион ислоҳот давмида вакиллик органларининг ҳуқуқий мақомини янада кенгайтириш чоралари қўриляпти. Ше-мак, энди маҳаллий Кенгаш, шу жумладан, депутатларнинг ҳам масъулияти ошади.

Афсуски, амалга ошириляётган

ва кутиляётган демократик ислохотлар самараси Кўшработ туманида деярли кўзга ташланмади. Чунки халқ депутатлари туман Кенгашининг котибияти мутахассиси билан жорий йилда ўтказилган 35 дан 47 гача бўлган сессияларга халқ ноибларининг иштирокини таҳлил қилиб чиқдик. Ажабланганимиз, мазкур 13 та сессияга бор-йўғи 14 нафар (жами депутатларнинг ярми ҳам эмас) депутат уз-луksиз иштирок этган. Бу вакиллик органига сайланган халқ ноиблари ўзларининг бошқарув йиғилиши нисбатан бепанд муносабатда эканлигини кўрсатмайдими? Чунки айнан сессия Кенгашнинг ишчи органи, унга сабабсиз иш-тирок этмаслик тегишли чора қўришга сабаб бўлиши мумкин.

Тўғри, бунинг учун масала сессияга киритилиши, унга эса Регламент ва депутатлик одоби масалалари доимий комиссиясида муҳокама қилиниши зарур. Халқ депутатлари Кўшработ тумани Кенгашининг бефарқлиги, қолаверса, Кенгаш котибияти мудори лавозими йил бошидан буён ваканглиги бу амалиёт қўллинишига тўсиқ бўляпти. Таҳлил қилинган 13 та сессиядан 10 тасига қатнашмаган депутатларга нисбатан ҳеч қандай таъсир чораси қўрилмагани ҳам бунга яна бир мисол эмасми?

ДОИМИЙ БЎЛМАГАН КОМИССИЯЛАР

Йил бошидан буён 14 та сессия ўтказилган. Аммо деярли барча масала сессия аввалида доимий комиссиялар томонидан кўриб чиқилмаган. Яъни, амалдаги тартибга рия қилинмаган.

- Айрим масалалар доимий комиссиялар томонидан муҳокама қилиниб, сўнг сессия кун тартибига киритилган, - дейди Кенгаш котибияти мутахассиси Довуд Шойқулов. - Масалан, мактаб директорлигига номзодлар албатта, тегишли доимий комиссия томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Ўзи умуман, Кенгаш фаолияти билан яқиндан танишиш учун котибиятда мавжуд хужжатлар етарли эмас. Чунки айрим доимий комиссияларнинг иш хужжатлари йиғма жилди йўқ. Аслида ҳар бир депутат муайян доимий комиссияга, комиссия эса ўз навбатида Кенгашга ҳисобдор.

Масаланинг бу томонлари ҳақида на депутатлар, на Кенгаш котибияти ходимларидан тайинли

жавоб ололмайсиз. Шу ўринда ай-тиб ўтиш лозим, Кенгашда мавжуд барча тартибдорликнинг депутатлик гуруҳлари тузилган. Аммо уларнинг ҳеч бири йил бошидан буён ўтказилган 50 га яқин сессияга ақалли битта масала киритмаган. Таажжуб, сайлов олдида катта-катта дастурий мақсадларни кенг оммага тақдим қилган жамоатчилик фаоллари нега улардан биронтаси учун ҳаракат қилишмади?

ҲАМОН КЎЛСИЗ ҲОКИМЛИК

Юқорида айтдик, халқ депутатлари Кўшработ тумани Кенгашининг сессиялари бундан 5-6 йил аввалги даврлардагидек "хўжақўрсин"га ўтказилляпти. Уларда қабул қилинган қарорлар ижроси эса етарли даражада тажриба тегишли чора қўришга сабаб бўлмади.

Фикримизча, сессиялар юзакилиги, доимий комиссияларнинг амалдаги тартибга рия қилмаслиги, аниқроғи, сессия кун тартибига киритилмаган масалани Кенгаш даражасида муҳокама қилиш шартми-йўқми, ўрганилмаcлигига қатор сабаблар бор. Масалан, доимий комиссиялар йиғилиш ўтказмаган хона талаб даражасида жиҳозланмаган.

Аслида Кенгашлар фаолиятини жонлантириш мақсадида котибият тажриб қилинишидан аввал бу масала туман ҳокимлигининг тегишли бўлимига зиммасига юклатилган эди. Вазифа тўлиқ ижро этилмаганини ҳокимликнинг тажриб қилиш-кадрлар гуруҳи раҳбари Тоҳир Жаҳонов қуйидагича изоҳладди:

- Тўғри, котибият учун юқори шарафли яратилмагандир, аммо ишлар учун зарур имконият бор, - дейди Т. Жаҳонов. - Масалан, битта хонада бўлса-да, котибият мудори ва икки нафар мутахассис автоматлаштирилган техник воситалар билан таъминланган. Китоб ва стендарл масаласи яқин кунларда ҳал этилади.

Бундан ташқари, котибиятнинг икки нафар ходимидан бир нафари ҳоким раҳбарлик қилмаган 1-сектор штабига бириктирилган. Аниқроғи, вакиллик органи ходими бир вақтнинг ўзиде ижро ҳокимияти секториде ҳам котиб вази-фасини бажармоқда. Бу ҳолат Кўшработда маҳаллий Кенгашга "борми-бор" қабилида муносабат бўляётганини кўрсатмайдими?

Илк сессияни ўтказган Кенгаш раиси ва депутатлар бу ҳақда жиҳд-дий ўйлаб кўришади, деган умид-дамиз.

Ё.МАРҚАЕВ.

Бугуннинг гапи



Баъзи халқларнинг жуда тартиб-интизомли эканини эшитиб, бунга улар қандай эришган экан, деб ўйлайман. Масалан, Япония футбол майдонлари ўйиндан кейин ҳам топ-тоза бўлиб тураркан. Томошбинлар ўйингоҳга pista пўчоғи, бўшаган идишлару егулик қолдиқлари ташлаб кетишмайдик. Германия кўчаларида ҳатто тупуриш жуда уят ҳисобланар экан. Хўш, бизда-чи?

Бундан икки йил аввал Самарқанд шаҳри Қорасув масканиде 12-16 қаватли уйлар эгарларига топширилганида уй соҳиблари атрофнинг кўкаламлиги, озодалиги, уйларнинг таъмирдан қувонгани. Ҳақиқатда бир-биридан кўркем бинолар, уйлар атрофига экилган гул, майса ва дарахтлар янги маҳаллага ўзгача чирой бахш этарди. Бу ерга аҳоли кўчиб кела бошлагач, ҳаммаса ўзгарди. Айримлар кўлидаги бўшаган идиш, егулик қоғозини дуч келган ерга ташлаб кетяпти. Уйлар атрофидеги кўм-кўк майсаларни болалар босиб ташладди, айрим дарахтларни синдирди. Подъезд ва лифларнинг ичига қараб бўлмай қолди.

ЛИФТ ИЧИГА НОС ТУПУРИБ КЕТАРДИ...

Дарҳол бирор чора кўришимиз керак эди. Кўшниллар телеграмме гуруҳ очиб, уйимиз атрофи, подъезд, лифт ва зиналарни озода тутуш бўйича маслаҳат қила бошладик. Буни кимдир тушунди, кимдир қулоқ ҳам солмади. Маҳалламизда "Нур Шарқ тесс" бошқарув сервис ташкилоти иш бошлагач, кўп қаватли уйимиз бироз тартибга тушиб қолди. Аммо шу пайтгача биринчи қаватимиз подъезди 4-5 марта оқланди, негаки, деворларни болалар кир қўли билан ўшлаб, доғ қилиб ташляпти. Камига каттароқ ёшдаги болалар расм чизиби, исмини ёзиб, ҳатто оёқ изини қолдириб кетяпти.

Ҳар подъездда икkitадан лифт бўлиб, кичик лифтни ҳаракатлантириш учун босиладиган тугма каттиқ босилганидан ичига тушиб кетган. Яшيام "Нур Шарқ тесс" бошқарув сервис ташкилоти ҳар бир лифтта чип ўрнатди. Акс ҳолда кўп қаватли уйларнинг лифлари болалар ўйнайдиган аттракционга айланганди. Болалар лифтни бирдан чиқиб, иккинчисидан тушиб, бир-бири билан қувлашмачок ўйнашарди. Лифт ичидеги ойналарни артиб, тозаллаб бўлмасди, бир кунда яна шу аҳволга қайтарди. Ҳатто катталар лифтининг ичига нос тупуриб кетарди. Шукрки, лифт-

лар ичига камералар ўрнатилди. Уйимиз олдида шинамгина болалар майдончаси бўлгани ҳолда айрим болалар подъезд ичиде қувлашмачок ўйнаб, балкон эшикларининг ойналарини бир неча бор синдириб кетди.

Яқинда бир бола йўлак четидеги чироқларни муштлаб кетяётганини кўриб қолдик. Қарасам, анча-мунча чироқлар ёрилган, синган, қолганини ҳам ишдан чиқариш мақсадида гоҳ кўли, гоҳ оёғи билан тепиб кетяпти. Юғуриб бориб, болага танбех бердим.

Бир кун ишдан қайтаётсам, аёл киши 10-12 ёшдаги қизи билан кетяётган экан. Қиз кўлидаги бўшаган идишни кўп қаватли уй орқасига отиб юборди.

- Уй атрофи сенга ахлат ташлайдиган жойми? Ана, уй олдида ахлат ташлайдиган идишлар бор-ку. Ол, ташлаган нарсангни, - дедим.

Аёл ҳам, қиз ҳам пинагиде бузмади, гапларини эшитмагандек йўлида давом этиб кетишди. Онда йўқ тарбия боласига ўтар-миди...

ОДАМЛАР ТЕПАДАН ЮВИНДИ ТАШЛАЙДИ

Биринчи қаватда яшайдиган қўшнимиз Бахтиёр ака ҳар кун ий атрофидеги ахлатларни териб чиқади.

- Деразадан уйимиз атрофидеги чиқиндилар жуда хунук кўринади. Чидай олганимдан чиқиб тераман, - дейди. - Тепадан ахлат ташлайдиганлар ҳам бор, неча марта телеграм гуруҳиде айтдим, огоҳлантирдим, шунда ҳам ёғли ювиндини кимдир майсалар устига ташляпти.

Уйимизнинг орқа тарафиде икkitа фаввора бор. Ёзининг жазирама кунлариде аҳоли кечки пайт шу ерда дам олади. Бу йил ёзда фавворалар деярли ишламади, бунга ҳам

Озодалик савияни кўрсатади

одамларнинг ўзлари айбдор. Сабаби, фавворалар ишга тушгач, болалар ва айрим катталар ҳам кўлидаги ахлатини сувга улоқтириб кетади. Буям камдек, болалар ичига тушиб қўмилади. Икки кунда фаввора ичи ахлатга тўлади. Бўшаган идишлар тепада, чўкадиган ахлатлар сув тағида йиғилади. Ҳатто сувга қоғоз, селфетка ташланаётганидан сув айланиб турадиган трубалар тикилиб қолаётган эмиш.

БАРАКА ЭШИКДАН КИРАДИ

Холбуки, бугун масканда ахлат ташлайдиган идишлар ҳар бир кўп қаватли уйлар ва дўконлар олдида ўрнатилган. Бугун янги масканнинг озодалигини сақлашимиз учун айрим катталарнинг тарбияга муҳтожлигини кўряп-миз. Оналар боласини назоратсиз қўйиб юбориб, ўзалар ўриндикларда гап сотиб ўтиради. Лоқал китоб ўқиб ўтирганини кўрмайсиз. Баъзи аёллар кун билан ташқариде гийбат қилиб ўтиради-ю, эшигининг олди, подъезд ва зиналарни артамади. Бизга катталар: "Барака эшикдан киради, болам. Доим уйнинг атрофи уйинг ичи каби тоза бўлиши керак, акс ҳолда фаришталар кирмайди", деб ўргатишган.

Қорасув масканиде яратилган барча шарт-шароитлар одамларнинг фаровон яшаши учун барпо этилган. Нега биз бунинг қадрига ет-маяпмиз? Ахир айрим ҳайвонлар ҳам думи билан атрофини суғуриб туради.

Юқориде гапни бежиз япон халқидан бошламадим. Уларнинг мактабларида фаррошлар йўқ, ўқувчиларнинг ўзлари дарсдан сўнг синфхонани тозалайди. Бундай усул уларни тозалик, интизом ва меҳнатга ўргатади. Қанийди, бизда ҳам мана шундай тартиб жорий этилса.

Хуриша ЭРНАЗАРОВА.

Энди ундирувчи алимент қарзи учун овора бўлмайди



Бу масала белгиланган тартибда махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ғи фармонига асосан, Мажбурий ижро бюросининг "Алимент тўловлари" давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилди. Хужжат ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 августдаги қарори қабул қилиниб, "Алимент тўловлари жамғармаси тўғрисида"ғи низом тасдиқланган.

Жамоатчилик ўртасида "Энди алимент қарздорликлар давлат томонидан тўлаб берилиши керак, лекин ижрочилар пайсалга солмақда" каби фикрлар пайдо бўлмоқда. Хўш, аслида амалиётнинг тартиби-талаблари қандай, у қай тарзда татбиқ этилмоқда? Жамғарма маблағлари воёга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаганилик учун қарздор жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда, алимент тўловларидан юзага келган қарздорликни қоплаб беришга йўналтирилади.

Бунда қарздорликни қоплаб бериш учун мажбурий ижро ҳаракатини амалга оширган давлат ижрочисининг алимент тўловларини қоплаб бериш тўғрисидаги қарори асос ҳисобланади.

Эндиликда ушбу қарорга мувофиқ, ўз мажбуриятларини бажаришдан қасдан бўйин

товлаган ва бу қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилган қарздорларнинг алимент бўйича қарздорликлари "Алимент тўловлари" жамғармасидан қоплаб берилади. Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманларо судининг 2014 йил 24 мартдаги ижро хужжати асосан, қарздор М.Л.дан ундирувчи И.Л. фойдасига икки нафар фарзанднинг моддий таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг учдан бир қисм миқдориде алимент ундириш белгиланган. Бироқ қарздор бир неча марта оғоҳлантирилганилиги ва маъмурий жа-зога тортилганидан тўғри хулоса чиқармасдан, икки ойдан ортиқ муддат давмида алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Шу сабабли унга нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилган.

Жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судида мазмунан кўриб чиқилган иш бўйича қарздор М.Л. бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилган ва ундан ундирувчи И.Л. фойдасига 26 миллион 137 миң сўм миқдорда зарар ундириш тўғрисида қарор чиқарилган.

Мазкур ижро хужжати асосан, "Алимент тўловлари" жамғармаси ҳисобидан 26 миллион 137 миң сўм миқдорда пуллар ундирувчи номига очилган банк пластик картасига кўчириб берилди.

Умуман, Мажбурий ижро бюросининг ви-

лоят бошқармаси ва барча шаҳар-туман бўлимлари томонидан алимент мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган қарздорларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик масалаларини ҳал этиш, аввал жиноий жавобгарликка тортилган шахслар бўйича судлар томонидан белгиланган қарз суммаларини қоплаб бериш чоралари қўрилмоқда.

Хусусан, ўтган вақт ичиде вилоят бўйича 2017-2022 йилдан алиментдан бўйин товлаб жиноий жазага тортилган 363 нафар шахсдан 169 нафарининг ундирувчиларига 1 миллиард 551 миллион сўм маблағ ажратилиш бўйича хужжатлар расмийлаштирилган. Бугунги кунга қадар 7 нафар ундирувчига 85,5 миллион сўм қарздорлиги жамғарма маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди.

Эслаштиб ўтамиз, алимент қарздорлиги жамғарма маблағидан ундирувчига тўлаб берилгани, қарздор зиммасидан бу масала буткул олиб ташланганини билдирмайди. Яъни, жамғарма ҳисобидан алимент учун қоплаб берилган маблағларни жамғармага қайтариш бўйича қонуностида белгиланган тартибда ижро ҳаракатлари амалга оширилади. Агар қарздор қамоқда ва ишлаётган бўлса, унинг иш ҳақи бўйича жазони ижро этиш муассасасига давлат ижрочиси томонидан талабнома юборилади.

Азамат МИРШАЕВ, МИБ вилоят бошқармаси суриштирувчиси.

Бу факт!

Жорий йилнинг ўтган даврида 3,5 миң километр оптик толали алоқа линиялари қўрилиб, умумий узунлиги 17 миң километрге етказилди. Вилоятдаги 2345 та ижтимоий соҳа объекти, жумладан, 1260 та халқ таълими, 711 та мактабгача таълими, 374 та тиббиёт муассасаларида юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Вилоятдаги 1126 та маҳалла фуқаролар йиғини тармоққа уланди.

"Адлия уйи" халқ манфаатига хизмат қилади

Президентимизнинг тегишли фармони билан жорий йилда Давлат хизматлари агентлиги ва Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги таркибига бирлаштирилди. Натижда тизимдаги раҳбарлар икки баробарга, бошқарув тузилмалари уч баробарга қисқарди. Хўш, бундан натижа бўлди, муҳими, тизимдаги ислохотлар халқимизга қулайлик яратди? Ушбу саволга ўтган даврдаги фаолиятимиз мисолида жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Биринчи навбатда, тизимдаги ислохот натижасида туман ва шаҳарлар даражасида алоҳида фаолият юрятадиган 4 та тузилма бирлаштирилди. Яъни, фуқаролик ҳолати даполатномаларини ёзиш органлари, давлат хизматлари ҳамда юридик хизмат марказлари туман ва шаҳар адлия бўлими таркибига киритилиб, битта бинода фаолият юритувчи ягона тизимга айлантирилди. Яъни, ягона "Адлия уйи" шакллантирилди. Бу эса ҳуқуқий муаммоси бор ёки давлат хизматларидан фойдаланишга эҳтиёжи бўлган жисмоний ва юридик шахсларга тўртак тузилма хизматидеги "Бир дарча" тамойили асосида фойдаланиш имконини берди.

Таҳлилларга кўра, бугун вилоят-тизимда 4 миллион нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли содининг ортиб бораётгани давлат хизматлари бўлган эҳтиёжининг ортишига сабаб бўлмоқда. Буни давлат хизматларини кўрсатиш статистикуси ҳам тасдиқлайди.

Хусусан, марказларимиз томонидан 2020 йилда 661810, 2021 йилда 780363 та давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг 9 ой давмида кўрсатилган хизматлар сони қарийб 900 миңга етди. Эйтиборлиси, мувожаатчилар ушбу хизматлардан "экстерриториал" тамойил асосида, доимий рўйхатдан ўтган ёки яшаш жойидан қатъи назар, республикамизнинг исталган жойидеги Давлат хизматлари марказларига мувожаат қилиб фойдаланиши мумкин. Айтиш жоизки, ўтган даврда



давлат хизматларини кўрсатишда аҳолидан 73 турдаги хужжат ва маълумотномани талаб қилиш амалиётига чек қўйилди. Таҳлиллар йилига ўртача 18 миллион нафардан ортиқ аҳолининг ортиқча қозғабозликдан озод бўлгани, ташкилотларга бориб келиш билан боғлиқ 200 миллиард сўмдан ортиқ харажати тежалганини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 1 январь санасидан 6 турдаги давлат хизмати учун тўловлар миқдори камайтирилди, 2 турдаги хизмат учун тўлов ундириш бекор қилинди. Мисол учун, адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар хайъатини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўлов миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан бир бараварига туширилди. Шунингдек, аҳолининг электрон давлат хизматларидан фойдаланишини рағбатлантириш мақсадида давлат хизматларидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали фойдаланганда, барча тўловлар бўйича 10 фоиз чегирма қўлланилмоқда.

Тўловлар ҳақида гап кетганда, фойдаланилган давлат хизмати учун тўловни амалга ошириш тартиби ҳам осонлаштирилганини таъкидлаш жоиз. Яъни, энди my.gov.uz ёки Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар учун тўловни амалга оширишда инвойсдаги рақамларни битта-

лаб териб ўтириш ёки "касса"да навбат кутишга ҳожат қолмади. Бунинг учун оммабоп тўлов тизимларида инвойсдаги QR-кодини сканер қилиш орқали осонгина тўлов қилиш мумкин. Мазкур имконият ҳозирча "Payme", "Click", "U-pay" тўлов тизимларида мавжуд.

Ижтимоий химояга муҳтож, имконияти чекланган аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда давлат идоралари олдида турган долзарб вазифадир. Бугун "Ижтимоий химоя ягона реестри" тизимида рўйхатга олинган, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали рўйхатида келтирилган давлат хизматларини кўрсатишда давлат божлари, йиғимлар ва бошқа хар қандай тўловлар бўйича 50 фоиз миқдорда чегирма қўлланилади. Шунингдек, ҳозир Самарқанд шаҳридаги Давлат хизматлари марказидаги 4 та бўлимда синов тарихида сурдо таржимон хизмати йўлга қўйилди. Бунда фуқарога хизмат марказлашган ҳолда кўрсатилиб, марказ ходими махсус веб-камера орқали сурдо оператор билан боғланади. У эса ўз навбатида, фуқаро ва марказ ходими ўртасида мулоқоти таъминлашга кўмаклашади.

Мақсуд ҚУРБОНОВ, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.



"Меҳнат, ҳарбий ватанпарварлик йиғини"

Вилоят ҳарбий-маъмурий сектори ташаббуси билан ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касб-хунар ва тadbirkorлик соҳасига ўқитиш ва шароит яратиш мақсадида ана шу номдаги лойиҳага старт берилди.

Лойиҳада "Ёшлар дафтари"га киритилган, турли тadbirkorларда голибликни қўлга киритган ҳамда кам таъминланган

80 нафар оила фарзандлари иштирок этмоқда.

Иштирокчилар 25 октябрдан 1 ноябрга қадар кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида бўлади ва лойиҳа асосида маънавий-маърифий, жанговар мутахассисликлар бўйича тайёргарлик машғулоти, маданий тadbirkorлар, тadbirkorлар билан учрашувлар, спорт мусобақалари, гала-концерт ва туризм масканларига саёҳатларда қатнашади.

Иштихонлик ёшларга тўхфа

Китоблар инсон маънавиятини юксалтиради. У овозсиз муаллим, ҳаётнинг энг олис ва қоронғи йўлларига нур бағишлайди.

Китоб ҳақидаги бу каби ибратли сўзлар Иштихон туманидаги маънавият ва маърифат марказининг янги биноси ҳамда ахборот-кутубхона марказининг очилишига бағишланган тadbirkorларда айtilди.

Тумандаги бунёдкорлик ишлари давомида эски бино қайта таъмирланиб, ахборот-кутубхона марказига айлантирилгани туман ёшларининг қувончига сабаб бўлди.

Бионарнинг очилишида Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, шора Хосият Бобомуродова, вилоят Нурунийлар жамоатчилиги кенгаши раиси Шухрат Негматов иштирок этиб, бу ерда ёшлар учун яратилган имкониятлар билан танишди.

Шунингдек, очилиш тadbirkorларида бугун пойтахтда баракали ижод қилаётган иштихонлик ижодкорлар Тўлқин Эшбек, Ориф Тўхташ ва бошқа ижодкорлар қат-



нашиб, туманда кейинги йилларда маданият соҳасида амалга оширилаётган ишларни эътироф этиди, бу каби маърифат марказлари иштихонлик ёшларнинг келажигида муҳим ва мустақам пойдевор бўлишини таъкидлади.

- Бугун юртимизнинг барча гўшаларида шундай қиёфа шаклланди, чекка

худудларда маънавият, маърифат марказлари бунёд бўляпти, - дейди ижодкор Тўлқин Эшбек. - Иштихонда ҳам бу каби замонавий кутубхона ташкил этилгани мени қувонтирди. Энди ёшлар ҳам бу эътиборга, ишончга муносиб бўлиши лозим.

Муқаддам ҲАЙИТОВА.

Майдон ўзгармади, ҳосилдорлик ортишидан умид бор

Вилоятимиз галлакорлари 2023 йил ҳосили учун 94230 гектар майдонда эл ризқини етиштиришни режалаштиришган.

- Шу пайтгача вилоятда 88 минг гектардан ортиқ ерда галла экилди, - дейди "Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси катта инспектори Одилжон Арзикулов. - Бир қунда ўртача 1300 гектар майдонга кузги бошоқли дон экинлар экилиб, 3500 гектарга яқин

галла майдонлари суғорилмоқда. Вилоят иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда "Безостая-100", "Давр", "Асп", "Гром", "Алексеевич", "Яксарт", "Зимница", "Звезда" ҳамда "Таня" каби навлари экилмоқда. Шунингдек, чорва моллари озуқа базасини мустақамлаш учун 13925 гектар ерда галла экилмоқда.

Галлачиликка ихтисослашган кластер корхоналари ва фермер



хўжаликлари 9 минг гектар ерда 2023 йил ҳосили учун уруғлик галла экишни режалаштирган. Ушбу майдонларга экиш учун 26106 тонна уруғлик дон тайёрланди.

Абдували ХУДОЁРОВ, "Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси бош инспектори.

Сўранг, жавоб берамиз

Қизим техникумга ўқишга кирди. Мен иш ҳақимдан унинг контрактига пул ўтказмоқчи эдим. Ҳисобчимиз контракт тўловига солиқ имтиёзи фақат ОТМда ўқийдиганлар учун деди. Шу тўғрими?

Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-бандига асосан, фуқароларнинг ўзи, шунингдек, 26 ёшга тўлмаган фарзанди ёки турмуш ўртоғининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиши учун тўловга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ солинмайди. Яъни, бу ерда ана шу таълим муассасаларидаги контракт тўловини қоплаш учун иш ҳақидан ўтказиладиган маблағлар қисми даромад солиғидан озод қилиниши назарда тутилмоқда.

Эътибор беринг, унда нафақат олий таъ-

Контракт тўлови бўйича солиқ имтиёзлари

коллеж ва техникумларда ўқийдиганларга ҳам берилади

лим ташкилотларидаги таълим, балки профессионал таълим ҳам келтирилган. Олий таълим ташкилотлари-ку, тушунарли, ҳўш, профессионал таълим тизимига қайси муассасалар кирди?

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида профессионал таълимга бошланғич профессионал таълим (касб-хунар мактаблари), ўрта профессионал таълим (коллежлар) ва ўрта махсус профессионал таълим (техникумлар) муассасалари кириши кўрсатиб ўтилган.

Демак, Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-бандидаги профессионал таълим деганда,

касб-хунар мактаблари, коллеж ва техникумлар тушунилади.

Шунга қўра, корхоналар томонидан ходимларнинг ўзи, 26 ёшдан кичик бўлган фарзанди ёки турмуш ўртоғининг коллеж ва техникумларда тахсил олиши учун уларнинг иш ҳақидан ўтказиладиган маблағларга ҳам даромад солиғи солинмайди. Яъни, бу ерда имтиёз фақат ОТМларнинг ўзигагина эмас, балки коллеж ва техникумларга ҳам бирдек тегишли.

Саволга вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ориф МУҲАММАДИЕВ жавоб берди.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Бахтиёр САИДОВ

Самарқанд вилояти тиббиёт тизими даргаларидан бири, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали врач-консультанти Саидов Бахтиёр Муҳаммадиевич 74 ёшида вафот этди.

Б.Саидов 1948 йилда Нарпай туманида туғилган. 1965 йилда тумандаги ўрта мактабни битириб, Самарқанд давлат тиббиёт институтида тахсил олди.

Ўқини битирганидан сўнг, йўлланма билан ўзи туғилиб ўсган тумандаги Октош поликлиникасига врач-окулист сифатида ишга юборилди. Ёш мутахассис бу ерда қарийб ўн йил меҳнат қилди, нарпайликларга тиббий хизмат кўрсатди. Билим ва малакаси билан одамлар меҳрини қозонди, ташкилотчилиги ва ишга юксак масъулият билан ёндашиши туфайли раҳбарият эътиборини қозонди. Шу боис 1980 йилда Самарқанд вилояти кўз касалликлари шифохонасининг бош врач вазифасига тайинланди.

Эндигина 32 ёшни қаршилаган ёш раҳбар фаолиятини шифохона моддий-техника базасини мустақамлаш, ходимлар билим ва малакасини оширишга эътибор қаратиш билан бошлади. Бунинг учун елиб-югурди, турли идоралар эшигини қайта-қайта тақиллатди. Ва, бу ҳаракатлари натижасида шифохона вилоятдаги етакчи тиббий муассасалардан бирига айланди.

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ.



Б.Саидов мазкур шифохонага қарийб ўттиз йил раҳбарлик қилди. Бу орада маълум вақт Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасини ҳам бажарди. Илмий фаолият билан шуғулланиб, тиббиёт фанлари номзоди бўлди.

Б.Саидов раҳбарлиги даврида муассасада бир неча бор республика ва халқаро даражадаги илмий-амалий анжуманлар ташкил этилди. Самарқанд кўз касалликлари шифохонасининг фаолияти, тажрибаси ўрганилиб, республика миқёсида оммалаштирилди.

Бутун ҳаётини, умрини тиббиёт соҳасига бағишлаган Б.Саидов инсон мустақамлаш, ходимлар билим ва малакасини оширишга эътибор қаратиш билан бошлади. Бунинг учун елиб-югурди, турли идоралар эшигини қайта-қайта тақиллатди. Ва, бу ҳаракатлари натижасида шифохона вилоятдаги етакчи тиббий муассасалардан бирига айланди.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети қуйидаги лавозимларга танлов асосида

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КАФЕДРА ПРОФЕССОРЛИГИГА:

- агротехнологиялар, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш кафедрасига;
- ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик кафедрасига;
- ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш кафедрасига;
- биология, экология ва доривор ўсимликлар кафедрасига;
- ички юкүмсимз касалликлар кафедрасига.

КАФЕДРА ДОЦЕНТЛИГИГА:

- ветеринария фармацевтикаси кафедрасига;
- ижтимоий-гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт кафедрасига;
- иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби кафедрасига;
- микробиология, вирусология ва иммунология кафедрасига;
- паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш кафедрасига;
- ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш кафедрасига;
- ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия кафедрасига;
- ички юкүмсимз касалликлар кафедрасига.

КАФЕДРА КАТТА ЎҚИТУВЧИЛИГИГА:

- агротехнологиялар, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш кафедрасига;
- ижтимоий-гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт кафедрасига;
- иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби кафедрасига;
- ички юкүмсимз касалликлар кафедрасига;
- ҳайвонларни озиклантириш технологияси ва зоогигиена кафедрасига;
- ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия кафедрасига;
- йиллов чорвачилиги, қоракўччилик, асаларчилик ва ипакчилик кафедрасига.

КАФЕДРА АССИСТЕНТЛИГИГА:

- биология, экология ва доривор ўсимликлар кафедрасига;
- биотехнология кафедрасига;
- ветеринария фармацевтикаси кафедрасига;
- ички юкүмсимз касалликлар кафедрасига;
- микробиология, вирусология ва иммунология кафедрасига;

- ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия кафедрасига;
- ҳайвонлар генетикаси, селекцияси, урчиши ва кўпайтириш кафедрасига;
- ҳайвонлар физиологияси, биокимёси ва патологик физиологияси кафедрасига.

КАФЕДРА ЎҚИТУВЧИЛИГИГА:

- ижтимоий-гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт кафедрасига (жисмоний маданият ва спорт);
- ижтимоий-гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт кафедрасига (ижтимоий-гуманитар фанлар);
- табиий фанлар кафедрасига;
- ўзбек, рус тиллари ва адабиёти кафедрасига.

Ҳужжатлар (ариза, шахсий варақа, 2 дона фотосурат, таржimai ҳол, олий маълумоти, илмий даражаси ва унвонлари ҳақидаги дипломлар нусхалари, охириги марта малака оширилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Ходимлар бўлими. Телефон: +99866-234-93-73.

МИННАТДОРМАН!

Нафақадаман, ёшим етмиш бешда. Яқинда кўкрагимда ўсимта пайдо бўлди. Самарқанд тумани тиббиёт бирлашмасига мурожаат этганимда текшириб қўриб, вилоят онкологик диспансерига жўнатишди. Диспансерда ўтказилган текширувлардан сўнг менда жарроҳлик амалиёти ўтказишди. Амалиёт муваффақиятли ўтди, аҳволим яхшиланди.

Бу дарддан фориг бўлишимда ўз маслаҳати ва амалий ёрдамини аямаган вилоят онкологик диспансери бош шифокори Фирдавс Ўлмасов, бош шифокор ўринбосари Дилшод Раҳматов, жарроҳ Суннатилло Пирмаматов, радиолог-врач Суннатилло Тўраев, эндокринолог-врач Санжар Ҳайдаров, катта ҳамшира Шаҳноза Шодиева, ҳамшира Гулрўх Амриева ва Самарқанд тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори Гулноза Мўминовалардан жуда миннатдорман.

Сизларни яқинлашиб келаятган тиббиёт ходимлари кунини билан табриклайман. Барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, эл саломатлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда муваффақият тилайман. Шодмон АМОНУЛЛОВЕВ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Ургут туманидаги "BEKTEMIR OMAD TOLEYOR" масъулияти чекланган жамияти (СТIP: 301733320) ўз устив фонди миқдорини 1 526 742 (бир миллион беш юз йигирма олти минг етти юз қирқ икки) сўмдан 300 000 (уч юз минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут тумани Жартела кўрғони, Ватак маҳалласи.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пулатович нотариал идорасида марҳум Бурханов Нурулла (2022 йил 15 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пулатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида марҳум Болқибоев Ўқтам Бегимкуловичга (2022 йил 20 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Султонов Усмонга (1971 йил 13 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.

САМАРҚАНД ШАҲРИДА ХУСУСИЙ АМАЛИЁТ БИЛАН ШУГУЛЛАНУВЧИ НОТАРИУС

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасида марҳум Ходжакулов Акбар Хасановичга (2021 йил 14 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-уй.

Иштихон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Халиқов Жамшид Абдурашитович нотариал идорасида марҳум Қорақулов Мансур Мамитовичга (2022 йил 16 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Халиқов Жамшид Абдурашитович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Иштихон шаҳарчаси Иштихон кўчаси, 20-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шуқруллаевна нотариал идорасида марҳум Парманова Сабоат Абдираимовнага (2021 йил 28 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шуқруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасида марҳум Умаров Раҳматулла Яғшович (2019 йил 16 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 110-уй.

ТҲЙЛАР ҲАР ҚАНДАЙ АМАЛНИ ТИҚИШТИРАДИГАН «ҚАДРИЯТ»МИ?



Тўйлар ҳақидаги мавзу доим муҳокамаларга сабаб бўлади-ю, яна тутаб-тутаб ўт олмаган чўғдай сўниб қолади. Пандемия шароитида кўпчилик ихчам тўйларга кўниккан бўлса-да, дабдаба-бозлик ҳозир яна авж олди. Муаммо юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларининг фикрлари билан қизикдик.

Эскича услуб билан янги тартиб ўрнатолмаймиз

Нарзиқул ХОЛИКОВ:

Тўйлардаги исрофгарчиликлар асосан уч йўналишда амалга оширилмоқда: Биринчи, аёлларнинг ким ўзарга беллашуви! Тақинчоғу, кийим-кечак, қудага сарпо-ю, бегойи сешанба ва ҳоказо! Бу ерда биз эркакларнинг айбимиз катта. Қатъиятими этайми уларни тўхатишга! Иккинчи, рестороанлардаги исрофгарчилик. Яқинда бир тўйга бордим. Дастурхонда қошиқ қўйилгача жой йўқ, идиш ичига тирик балиқчаларгача қўйилган, биринчи овқатгача 3 хил таом берилди. Қизиқиб сўрадим, стол нархи бир кишига 550 минг сўм экан, во ажабо. Тўй охирида столдаги нарсалар қамайида ҳам! Энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари нархини арзонлаштириш чоралари кўрилса, солиқ идоралари савдо дўкони эгаларини қақришади. Ҳўш, нега энди рестороан эгаларини қақриб топшириқ бериш мумкин эмас? Масалан, тўйдаги дастурхон масаллиқларини қамайтириб, 1 кишига 200 минг сўмгача бўлган ноз-неъмат оласан, деб қатъий турилса, масалага ечим

эканлигини тушунмай, исрофга берилганлар кўп.

Бадриддин НАСРИЕВ:

Бир масалада аҳолининг фикр-мулохазалари асосида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашлари томонидан қўшма қарор қабул қилинган. Қарор билан "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги низом тасдиқланган. Қонун кучига эга ҳужжатда жойларда маъракаларни ортиқча маросимбозликларсиз, исрофгарчиликларсиз, миллий қадриятларимизга мос тарзда ўтказиш белгиланган. Жумладан, 2020 йил 1 январдан тўй-ҳашамларни 200-250 одамдан кўп бўлмаган, санъаткорлар иштироки икки гуруҳдан ошмаган, дабдабабозлик, исрофгарчиликларга, ортиқча ҳашамдорлик, пул соҳиш, шурхатпарастлик каби иллатларга йўл қўймаган ҳолда ўтказиш белгиланган. Аслида барча маъракалар бўйича шу

бир келин қақирди, қувв қақирди, қисқа қилиб айтганда, битта тўй маросимини бир ҳафтабод тадбир қилиб ўтказиш барча жойда бор.

Тўйларни қонун билан қисқартириб қўйишнинг илоҳи йўқми-а, опа? - дейди яқиндагина дабдаба билан тўй ўтказган оталардан бири. - Уғлимни уйлантиришимизга 30 минг доллар пулим кетди. Бу нима дегани ахир?! Бу пулга тадбиркорлигимни янада ривожлантиришим мумкин эди. Тўғри, халқимиз тўйга етказсин, дейди. Шўқр, яхши кунларимиз учун кетган маблағга ачинмайман. Лекин бир киши учун рестороанда 300 минг тўлайсан, дастурхон одамлар тургандан сўнг ҳам ўзгармай, ноз-неъматлари билан тўла туради. Йўқ, десанг, рестороанчилар кўнмас экан. Бу қандай бедодлик ахир. Мен иш юзасидан қанча вилоятларда бўлганман, лекин фақат Самарқандда шундай ҳолат бор. Аёлларнинг олдидан бердиси ҳақида гапирмай қўя қолай.

Бу ўзига тўқ тадбиркорнинг фикри. Бошқалар-чи? Уларнинг ҳоли не кечяпти?

ФХДЭдан ўтиш учун келаётган аксар ёшлар билан сўхбатлашганимизда улар ёшларбоп, 50 кишилик тўйлар тарафдори эканлигини билдиришади. Кўпчилиги ота-онаси бундай тўй қилишга қўнмаётганини айтиб қолишади. Ёшлар билан ишлайдиган ташкилотлар, эҳтимол, фаол ёшларнинг тўйларини ёшларбоп тарзда ўтказиб, бунга тарғиб қилиши керакдир.

Элёр ҲАМРОЕВ:

Ҳар бир муаммони ҳал қилиш учун унинг сабабларини чуқур ўрганиш лозим. Тўйлар билан боғлиқ ҳолатда эса ўрганиш ҳам шарт эмас. Чунки бу йиллар давомида қонимизга синган иллатлардан. Дабдаба билан обрўни ўлчаш, исрофгарчиликлар эвазига ўзимизни кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас, менимча. Илдишлар қаерда?

Биринчидан, Сенат ва Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилган тартиб ҳолим кучда экан, унинг ижроси назоратига масъуллар, аввало, тўйларни ихчамлаштиришни ўзларидан, ўз оилалари, ўз қариндошларидан бошлаши керак. Ўзи дабдаба-ю асыаса билан фарзандига тўй қилса, қандай қилиб қолганларга бориб "насиҳат" қилиши мумкин?

Иккинчидан, таъсирчан жамоатчилик назорати бу йўналишда деярли сезилмайди. Бу борада ўз сўзини айта олиши керак бўлган маҳалла раислари кўп ҳолатларда жараённинг томошабини бўлиб туради, ҳолос. Нималар қилиш мумкин?

Биринчидан, тўй ўзбекчиликда жуда кутиладиган ва одамларимиз ҳаётида муҳим ҳисобланган тадбир ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бу борадаги тартиб-қоидаларга амал қилмаганларга жавобгарлик чоралари ҳам бўлиши керак. Афсуски, ҳозир бу йўқ.

Иккинчидан, тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил қилиш лозим. Бунда катталарнинг аъъанавий панд-насиҳати энди иш бермайди. Энди ёшлар умуман, жамият фаол фойдаланаётган ижтимоий тармоқлар ва бошқа манбаларда видеороликлар, қисқа метражли фильмлар каби форматларда контентларни жойлаб, алоҳида пиварлар амалга оширилиши керак.

Бир сўз билан айтганда, эскича усуллар билан қон-қонимизга синиб кетган одатлардан воз кеча олмайдим. Ёқубжон МАРҚАЕВ тайёрлади.

Кенгаш ишламаса, бошқалардан нима кутиш мумкин?

Тўйлар масаласи "Зарафшон" газетасида икки ойдирик, муҳокама қилиб борилмоқда. Назаримда, ҳамон бу борада Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори нега ижро қилинмаётгани эътибордан четда қолмоқда. Зотан, қарорга кўз югуртирган одам жуда ўринли ва қулай тартиблар белгиланганига гувоҳ бўлиши мумкин.



Қўшма қарор уч бобдан иборат бўлиб, битта бобда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда жамоатчилик ва давлат назорати белгиланган. Жами 8 банддан иборат учинчи бобда бу борада тегишли идора ва ташкилотлар олдида турган вазифалар аниқ қайд қилинган.

Демак, тўй, маърака-маросимлар ҳамон тартибга олинмаётгани ёки қўшма қарордаги 2 та боб ёки 11 банддаги талабларга риоя қилинмаганининг асосий сабаби назорат йўлга қўйилмаганлигидир. Келинг, оддий мисолни олайлик. Тўйдаги дабдаба ва ортиқча харажатлар қаерда бўлади? Табиийки, тўйхонада.

Балки шунинг учун қарорда тўйхона масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Мисол учун, тўйхона, кафе ва рестороанларда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда: - тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар иш-тироқчилари сонига, уларни ўтказиш вақтига қатъий риоя этиши;

- атрофда яшовчи аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини ҳамда маиший шовқинга қарши кураш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бузмаслик;

- озиқ-овқат маҳсулотлари сифат сертификатига талаблари даражасида бўлиши ҳамда санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш лозим. Тўйхона, кафе ва рестороанларда 50 нафар ва ундан ортиқ шахслар иштирокида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш учун тадбир ўтказувчи шахс ҳамда тўйхона, кафе ва рестороан раҳбари ўртасида шартнома тузилади. Шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иш ва хизмат тури, тўлов, харажатлар миқдори, тадбир иштирокчилари сони, муддати ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар кўрсатилади.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда санъаткорлар (хонанда, созанда, раққоса, бошловчи, сўз устаси, фотограф ва бошқалар) қонун ҳужжатларида мувофиқ, шартнома асосида хизмат кўрсатади.

Қонун ҳужжатларида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда икки нафардан ортиқ хонанданинг (гу-

руҳнинг) хизмат кўрсатганлиги учун бир неча бараварга оширилган миқдорда солиққа тортиш тартиби белгиланиши мумкин.

Ҳўш, амалда бу талаблар бажариляптими? Афсуски, йўқ. Савол туғилади, қонун кучига эга бўлган ҳужжатда белгиланганидек, нега тўйхона эгалари ўртасида учрашувлар ва тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти? Бу вазифа берилган солиқ идоралари ва Савдо-саноат палатаси нега унинг ижроси билан шуғулланмаяпти? Чунки ҳар чоракда улардан ҳудудий Кенгашлар ҳисоб сўрамаяпти.

Назаримда, масалада иш олдинга силжиши учун аввало, ҳудудий Кенгашлар фаолият кўрсатса етарли. Бу ўз навбатида, механизмнинг қолган мураватлари "қимирлаши"ни таъминлайди. Аслида ҳам қарорда биринчи навбатда ҳудудий комиссияларга топшириқ берилган.

Шу ўринда яна бир гап - депутатлик назорати натижалари бўйича маҳаллий урф-одатлар, миллий аъъаналардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан тегишли ҳудуддаги тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ бошқа қўшимча талаблар ҳамда тавсиялар белгиланиши мумкин.

Амалиётда асосан Самарқанд шаҳри ва унга туташ ҳудудлар, шу билан бирга, Ургут туманида дабдаба ва ортиқча удуларни кузатиш мумкин. Мисол учун, Нарпай ёки Пахтачи туманларида қайд қилинган ҳудудлардагидан одми тўйлар ўтказилади. Маърака-маросимлар масаласида ҳам шундай дейиш мумкин.

Демак, ҳудудий Кенгашлар масаланинг бу томонларини ҳам чуқур ўйлаб кўришлари зарур ва шарт.

Ё.ГАДОЕВ.

"Қайнотамнинг совғаси керак эмас"

Инсон йиллар давомида йиққан пулини битта тўйга сарфлайди. Узок вақт тайёргарлик кўрилади, аммо дабдабали тўй икки соатда ўтади-кетди. Тўйдан кейинги ташвишчи?

МЕБЕЛНИ ҲОВЛИГА ЧИҚАРИБ ТАШЛАДИ

Қишлоқдан туман марказига келин бўлиб тушдим, - деб ҳўрсиниб гапириб қолди ақинда турмушга чиққан дўғонам. - Ота-онам қурби етганича мебель олиб берди. Қайнонам у хижозни уйига қўйма-

ди, оддий олибсан, деб ҳовлига чиқариб ташлади. Ҳозир ҳовлида чанг босиб турирди. Ота-онам шу мебельни ҳам қийнаиб сотиб олишганди. Тўйдан олдин шаҳар бозоридан парда олиб, қайнонам айтган тикувчига қарзга тиктирганди. Қарзни қариндошимиздан олгандим, ота-онамдан парданинг нархини яширганман. Ҳозир ҳар ойлигимдан қарзимни тўлаяман. Турмуш ўртоғим, қайнонам билиб қолмасин, деб юрак ҳовуқлаб яшайман. Қайнонам ҳар сафар ота-онамнинг орзу-ҳаваси йўқ экан, тузук мебель қилишмади, деб юзимга солади.

БОШИМ ҚАРЗДАН ЧИҚМАЙ ҚОЛДИ

Уғлим ўзига тўқ оиланинг қизига уйланди, - дейди тўй номли орзу-ҳавасдан қуйган яна бир онахон. - Тўйга биз мўлжал қилгандан ҳам кўра кўп пул кетди. Ҳўжайинимнинг тўрт йил чет элда ишлаб келган пули урвоқ ҳам бўлмади. Фоиизга ва танишлардан қарз олишга мажбур бўлдим. Қанийди, шунга яраша фарзандим бахтли бўлганда. Тўйдан сўнг бир йил ўтиб, ажрашиб кетишди. Қарзни 5 йилда тўлаб қутулдик.

УҒЛИМ "ЎЖАР" ЧИҚДИ

Яқинда ўғлимни уйлантирдим, - дейди оналардан бири. - Келин учун 3 хона ажратдим, яшириб нима қилдим, тўлдириб жиҳоз олиб келади, деб уйлаганим. Тўсатдан ўғлим ҳеч нарса керак эмас, қайнотам олиб берган нарсани ишлатмайман, деди. Қудаларга тушунтирдик. Келиним фақат битта уйга парда олиб келди, шунга ҳам ўғлим қоқоқ уйди. Тўйни камхарж, чиройли қилиб ўтказдик. Қўни-қўшни, ҳамкасбларга ўғлимнинг қилигини айтганимда, ҳайрон қолдик. Айримлари келинлари олиб келган жиҳозни мақташди. Келинимни туғилган кунига қудаларим телевизор совға қилишди. Уғлим ишлагани рўхсат бермади, олиб қўйди. Келиним ўғлимнинг қилигидан хафа бўлмадимкан деб секин кўнглига қўл солиб кўрдим. - Дўғоналарим келин бўлиб тушган уйини замонавий чет эл жиҳозлари билан тўлдиришди, ҳозиргача ота-онаси келин бўлиб тушган уйига нарса ташивади. Лекин қайнонаси доим гап топади. Рўзғори тинч эмас. Улар ота-онами қарз-қавола қилиб бўлса-да, қайнонам айтган нарсани олиб боради, дейишади. Уйларидаги музлаткич бузилиб қолса ҳам ота-онамга айт, тузатиб келисин, деб айттаркан, - деди келиним.

Шундан сўнг ўғлимнинг хатти-ҳаракатлари тўғри экан, дедим.

Муниса ШАМСИЕВА.

Бизни илмисизлик, тарбиясизлик, тўй деб мингларча ақчаларни беҳуда исроф этмалик оғир аҳволга солди. Ағийё ва сарватдорларимиз тўй пойғаси қилиб, фақир ва камбағалларимиз бор-йўқларига қарамасдан уйлари-ни, боғларини, тўнларини сотиб, тўйга сарф қилмакдадулар. Тўй беаени ерда муқаддас Ватанини томишдан тоймайдоган, истиқболни ўйламаган ва болаларининг саодатини тушунмаган бир қавмдан қандай тараққий, маданият ва маърифат кутмак керак?

Абдулла АВЛОНИЙ.

топилади! Яқинда Қозоғистонда тўйда бўлдим, пулдор одам, 8000 тенге (165 минг сўмдан) дастурхон қилди. Кечки базмда исрофгарчилик йўқ. Учуниси, бу айрим ёшларнинг тўй кунини ортиқча хою ҳаваси - мехмонхонада "ЗАГС", қимматбаҳо автомашина ижараси ва ҳоказо!

Токи, тўйларимизни тартибга олмас, орзу-ҳавасимизга эътибор қилмас эканмиз, ёшларимиз пул топиш, тўй қилиш учун хорихида мардикорчилик қилиб юриверади!

Гулзода ХОЛОВА:

Тўйдан олдинги "бор товоғим-кел товоғим", кўвёга қилинадиган сарпо-суруғ, дабдабали тўйнинг охирини "вой" қилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Фикримча, "қизлар базми", "қизлар давраси" каби ортиқча одатларга ҳам чек қўйиш керак.

Улуғбек ЯРАШЕВ:

Аслида никоҳ тўйи диний қадриятларимиз билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса. Обрў учун тўй қилиш гурурлиниб кетиш эканлигини, кўпчилик бу борада илм эгалари билан маслаҳат қилиб йўл тутишлари лозимлигини унутиб қўйди. Никоҳ тўйи, умуман, оилавий маросимларда исрофга йўл қўймаслик, қилинаётган маъракадан савоб умиди бўлиши кераклигини имом-домларимиз жамоатчиликка кўпроқ ва кенгроқ тушунтиришлари керак. Айнан шу кишилар ажодларимиз, шу жумладан, саодат асрида яшаган мусулмалар никоҳ тўйи янги оила барпо бўлганлигининг билдирилиши эканлигини маҳалла-қўйда, жума намозларида айтишса, дабдабаларнинг олди олинади. Чунки никоҳ тўйи бир жуфтликнинг оила қурганлиги тўғрисидаги билдириш

каби қатъий тартиблар бор. Бунинг асосида халқимизнинг йиллар давомида пешона тери билан топган маблагини дабдабали тўй-ҳашамларга, маросимбозликларга, ўткинчи хою ҳавасларга эмас, бахтли ҳаёт, ёшлар келажаги, юртимиз равнақи учун сарфлаш гоёси ётибди.

Бугун тўй ва бошқа маърака-маросимларда кўзга ташланаётган айрим иллатлар туфайли жамиятимиз ва миллатимиз олдида баъзи муаммолар юзага келаётган экан, уни бартараф этишнинг қўшма қарор ва низомда ишлаб чиқилган чора-тадбирлардан бўлак йўли йўқ. Ҳаммаси қайд қилинган ҳужжатда белгиланган тартибда бўлишини йўлга қўйсақ, тўйларимизда, маърака-маросимларимизда қузатилаётган турли иллатлардан қутулиб, бу борада миллий қадриятларимизни тўла намоён қилишга эришаемиз.

Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ:

Бу ишга аввало, маҳалла раисларини жалб қилиш керак. Чунки ҳар бир тўй маҳалласиз ўтмайди. Қолаверса, маҳалла раислари шу ҳудуд аҳолиси томонидан ишонч билдириб сайланади, улар оқсоқол ҳисобланади. Шу боис улар қўшма қарор ва низомга мувофиқ, жойларда маъракаларни ортиқча маросимларсиз, исрофгарчиликларсиз, миллий қадриятларимизга мос тарзда ўтказилишини қатъий назорат қилиши зарур.

Инобат БОБОҚУЛОВА:

Пандемия даврида фуқаролар 30 киши билан тўй-ҳашамларни ўтказиш ҳар томонлама назоратга олинганди. Аксарият фуқароларга бу жуда маъқул бўлди. Пандемиядан сўнг бу дабдабабозлик яна авж олди. Тўғри, туманларда ўта исрофгарчилик билан ўтказилмаётган, лекин бари-